# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 11 апрель, № 69 (5743) Пайшанба


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 7 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2013 йил 28 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»**-ги 818–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 215-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2007 йил, № 4, 155-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 10 апрель
№ ЎРҚ—348

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида

(янги таҳрири)

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари**

Ушбу Қонуннинг мақсади йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза этилишини, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, шунингдек атроф муҳит ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

**2-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**йўл** — транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қурилган ёки мослаштирилган ва фойдаланиладиган ер полосаси ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл автомобиль йўлларини, шаҳар электр транспорти йўлларини ва йўлкаларни ўз ичига олади;

**йўл ҳаракати** — одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи;

**йўл ҳаракати қатнашчиси** — йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда сифатида бевосита иштирок этаётган шахс;

**йўл ҳаракати хавфсизлиги** — йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати;

**йўл-транспорт ҳодисаси** — транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса;

**йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш** — йўл-транспорт ҳодисалари юзага келиши сабабларининг олдини олишга, бундай ҳодисалар оқибатларининг оғирлигини камайтиришга қаратилган фаолият;

**йўл ҳаракатини ташкил этиш** — йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи;

**транспорт воситаси** — одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма;

**транспорт воситасининг эгаси** — транспорт воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс.

(Давоми 2-бетда).

# ЖАҲОН ТИББИЁТИ ЮТУҚЛАРИ

пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида иш бошлаган
**«Соғлиқни сақлаш — TIHE»**
18-халқаро кўргазмасида намойиш этилмоқда



*Мазкур тадбир юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тиббиёт ҳафталиги доирасида ташкил этилди. Кўргазма “ITE Uzbekistan” халқаро кўргазмалар компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, “Ўзтибтехника” масъулияти чекланган жамияти, “Ўзфармсаноат” ДАК ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилмоқда.*

### КЎРГАЗМА

Уч кун давом этиши кўзда тутилган ушбу тадбирда энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар, фармацевтика ва фитотерапия маҳсулотлари, лаборатория, стоматология, физиотерапия ҳамда протезлаш технологиялари намойиш қилинаяпти. Кўргазма иштирокчилари орасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга, Буюк Британия, Бельгия, Венгрия, Германия, Жанубий Корея, Италия, Куба, Польша, Покистон, Швейцария, Хитой, Россия, Украина, Беларусь каби давлатларнинг 160 дан зиёд компаниялари ҳам бор.

Тадбирнинг очилишида қайд этилганидек, соғлиқни сақлаш ҳафталиги кўргазмаси юртимиз ва жаҳон тиббиётидаги энг сўнгги янгиликларни, хасталикларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш борасидаги илғор тажрибаларни кенг миқёсда намойиш қилиш имконини беради. Бинобарин, кўргазмада энг етакчи ишлаб чиқарувчилар тақдим этаётган тиббий жиҳозлар, дори-дармон воситалари, физиотерапия асбоб-ускуналари соҳа мутахассисларининг билими, тажрибаси ва дунёқарашини янада бойитишга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

— Корхонамизда замонавий антисептик воситалар ишлаб чиқарилади, — дейди “Агробиокимё” МЧЖ менежери Ёқубжон Шукуров. — Маҳсулотларимизни тиббиётнинг жарроҳлик, реанимация, неонатология, умумий стационар, стоматология, эндоскопия каби йўналишларидан ташқари, оддий хонадон шароитида ҳам қўллаш мумкин. Антисептик гель ва йод, ичимлик сувини тозаловчи восита, стерилизация учун кимёвий хлорнинг бир неча турлари, ветеринарияда фойдаланиладиган препаратлар ана шулар жумласидандир. Айни пайтда ушбу маҳсулотлар учун хом ашёни ўзимизда тайёрлаш, яъни уни ўсимликлар илдизидан ажратиб олиш лойиҳасини амалиётга татбиқ этмоқдамиз.

— Юртингизда анъанавий ўтказиб келинаётган тиббиёт кўргазмалари ҳақида кўп бор эшитганмиз, — дейди Куба давлатининг “Labiofam” компанияси савдо менежери Карлос Вальдес. — Шу боис бу галги ҳафталикда маҳсулотларимизни намойиш этиш фикри туғилди. Кўриб гувоҳи бўлаяпмизки, Ўзбекистонда тиббиётнинг барча йўналишларида энг илғор тажрибалар қўлланилар экан. Келгусида мамлакатингизнинг қатор фармацевтик компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ниятидамиз. Умуман, бизнинг компанияда фақатгина табиий компонентлардан таркиб топган даволовчи ва оғриқ қолдирувчи дори-дармонлар ишлаб чиқарилади.

(Давоми 3-бетда).

# ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлашнинг пировард мақсадидир

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг туб моҳиятида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсади мужассамлашган. Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.*

### КОНЦЕПЦИЯ: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Зеро, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни сақлаш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутади. Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси доирасида “Минтақавий мулоқот” нодавлат нотижорат ташкилоти (Словения) билан ҳамкорликда ўтказилган “Суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаш: судларнинг эркинлиги ва мустақиллиги” мавзуидаги илмий-амалий анжуманда ҳам бу алоҳида эътироф этилди.

Тадбир судларнинг мустақиллигини таъминлашга оид халқаро ҳуқуқий нормалар ва илғор чет эл тажрибаси, судьялар касб этикасининг долзарб жиҳатлари, дастлабки тергов ва суд жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмлари, бу борадаги халқаро андозалар ҳамда мазкур йўналишдаги ҳамкорлик масалаларига бағишланди. Унда Олий суд, жиноят ишлари бўйича Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳар суди судьялари, Омбудсман, Юристлар малакасини ошириш маркази, Адвокатлар палатаси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Бош прокуратура олий ўқув курслари, Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчилари ҳамда АҚШлик адвокат ва судьялар иштирок этишди.

Таъкидланганидек, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасидаги ишлар бугунги кунда, Концепция талабидан келиб чиқиб, изчиллик билан давом эттирилмоқда. Мазкур йўналишдаги ислоҳотлар истиқлолнинг илк йиллариданоқ босқичма-босқич олиб борилаётгани хорижлик мутахассислар томонидан ҳам айтиб ўтилди.

(Давоми 3-бетда).

«BankExpo — 2013»



## Банк тизими: УЛКАН САЛОҲИЯТ ВА БАРҚАРОРЛИК

миллий кўргазма давомида ҳам яққол намоён бўлди

**Бугунги кунда республикамиз банк тизими капиталининг етарлилик кўрсаткичи 24,2 фоизни ташкил этиб, умумқабул қилинган халқаро стандартларга нисбатан 3 баробар юқори эканлиги молия муассасаларининг кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини оширишда муҳим омил бўлаётир.**

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзкўргазмасавдо” мажмуасида банк технологиялари ва хизматлари бўйича “BankExpo — 2013” олтинчи миллий кўргазмаси иш бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти иштирокида ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимиз молия-банк тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида улкан ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Айниқса, сўнгги йилларда ушбу тизимда эришилган молиявий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатлари халқаро нуфузли ташкилотлар томонидан юксак баҳоларга сазовор бўлаётгани эътиборга лойиқдир. Гап шундаки, ҳозир унинг капитали етарлилик кўрсаткичи 24,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу қабул қилинган халқаро стандартларга нисбатан 3 баробар юқори. Бинобарин, айнан шу жиҳат молия муассасаларининг кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини оширишда муҳим омил бўлаётир.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига биноан, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган миллий кўргазма эса бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилаяпти. Зеро, мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад банк тизимининг бугунги ҳолати, истиқболли режалари, кредитлар ажратиш шартлари, банкларнинг молиявий ва бошқа ресурслар билан таъминланганлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар билан жамоатчиликни хабардор қилишдан иборат.

Кўргазмада банкларнинг фаолиятини кенгайтириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик алоқаларини сифат жиҳатдан яхшилашга хизмат қилувчи замонавий технологиялар кенг намойиш этилаётгани, шунингдек, тадбирда банкларнинг доимий ҳамкорлари ҳисобланган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ҳунарманд” уюшмаси, Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази сингари ташкилотларнинг қатнашаётгани тадбиркорликни бошлаш ниятида бўлган ёшлар ва ишбилармонларга янада қулайлик яратмоқда.

(Давоми 3-бетда).




# Лакителекда Ўзбекистон тақдимоти

*Яқинда Лакителек шаҳридаги Венгрия халқ академиясида бўлиб ўтган тақдимот маросими Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ҳамда ўлкамизнинг сайёҳлик салоҳияти мавзуига бағишланди.*

### ЭЪТИРОФ

Венгрия эксперт-таҳлил ва илмий-академик доираларининг вакиллари, парламент аъзолари ҳамда журналистлар иштирокида ўтган мазкур тадбир чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан таклиф этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда унинг ҳаётга татбиқ этилиши хусусидаги атрофлича маълумотлар тақдим қилинди.

Мамлакатимизда демократик фуқаролик жамияти қурилиши ва ривожланишининг “ўзбек модели” иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва унинг сиёсатдан устунлигига, давлатнинг бош ислоҳотчилиги, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва ислоҳотларни босқичма-босқич олиб бориш сингари тамойилларга асосланиши тақдимот қатнашчилари томонидан юқори баҳоланди.

Тақдимот чоғида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва эришган натижалари, шунингдек, мамлакатимизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида ҳам сўз борди. Юртимиз заминида қад кўтарган меъморий ёдгорликлар ва тарихий обидалар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиши тақдимот мазмундорлигини янада оширди.

Тадбир иштирокчилари томонидан Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, бетакрор меъморий обидалар ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ранг-баранг урф-одат ҳамда анъаналарни асраб-авайлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар республикамизнинг сайёҳлик жозибадорлигини тобора орттиришга ҳамда сайёҳлар сонининг кўпайишига хизмат қилаётгани эътироф этилди.

Венгрия жамоатчилиги вакиллари ўлкамизнинг ўтмиши, бугуни, маданий ва маънавий мероси ҳамда табиати билан танишиш асносида Ўзбекистонга саёҳат уюштириш имкониятлари, сайёҳликнинг мамлакатимизда ривожланиб бораётган янгидан-янги йўналишлари юзасидан ҳам батафсил маълумотларга эга бўлдилар. Тадбир меҳмонлари Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарлар бўйлаб саёҳат қилиш дастурларига катта қизиқиш билдирдилар.

**«Жаҳон» АА.**

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида

## (янги таҳрири)

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**4-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофазасининг, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек атроф муҳит ҳимоясининг устуворлиги;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларнинг устуворлиги;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятнинг тизимлилиги.

**5-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги;

Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб боради;

Йўл ҳаракати қоидаларини ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл ҳаракатини ташкил этиш масалаларига доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлайди;

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек экологик хавфсизлик талабларига риоя этиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

транспорт воситалари ва йўлларнинг техник ҳолатига, йўлларда ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларида йўл ҳаракати хавфсизлигига доир ягона талабларни белгилайди;

транспорт воситаларининг ҳайдовчиларини (бундан буён матнда ҳайдовчилар деб юритилади) тайёрлашга, шунингдек аҳолига йўлларда юриш-туриш хавфсизлиги қоидаларини ўргатишга доир умумий талабларни белгилайди;

ҳайдовчиларни, транспорт воситаларини, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишини, йўл-транспорт ҳодисаларини ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олишнинг ягона тизимини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини амалга оширади;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб боради;

йўл ҳаракати хавфсизлиги тиббий жиҳатдан таъминланишини, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, аҳолига йўлларда юриш-туриш хавфсизлиги қоидаларини ўргатиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғиб қилиш ҳамда экологик хавфсизлик талабларига риоя этиш бўйича чора-тадбирларни кўради;

шаҳарлардаги, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларидаги кўчаларнинг, йўлкаларнинг ҳамда йўл ҳаракатини тартибга солиш воситаларининг, шунингдек шаҳар электр транспорти йўлларининг жиҳозланиши ва соз ҳолатда сақланишини таъминлайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги:

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

автомобилларда ташиш хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

автомобиль транспортида йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компаниясининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси:

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлашда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

ўзига қарашли автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун бу йўлларнинг соз ҳолатда сақланишини таъминлайди;

йўл ҳаракати қатнашчиларини йўл қопламасининг ҳолати, гидрометеорологик ва бошқа шароитлар тўғрисидаги зарур ахборот билан таъминлайди;

автомобиль йўлларида йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари, тезкор алоқа тизими қурилишини ва мазкур йўлларнинг ушбу воситалар ва тизим билан жиҳозланишини амалга оширади ҳамда уларнинг сақланишини таъминлайди;

автомобиль йўлларининг ҳаракатланиш учун хавфли участкаларини аниқлайди ва бу участкаларда йўл ҳаракатини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни кўради;

оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг қатнов йўналишларини белгилашда иштирок этади, шунингдек йўл сервиси объектларини жойлаштиришга розилик беради.

Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати:

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

йўл ҳаракати қатнашчиларининг ушбу Қонунга, Йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қисмига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади;

оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг қатнов йўналишларини белгилашда иштирок этади;

йўлларни, темир йўлларни кесиб ўтиш жойларини, автомобилга ёқилғи қуйиш шохобчаларини, транспорт воситаларининг конструкцияларини қуриш, реконструкция қилиш лойиҳаларига розилик беради;

фойдаланишдаги транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назоратни амалга оширади, транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ўтказади;

йўлларнинг ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларининг сақланиши, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозланиши устидан назоратни амалга оширади;

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган йўллардан ва темир йўлларни кесиб ўтиш жойларидан фойдаланишни тақиқлайди;

транспорт воситаларининг, йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳисобини ва рўйхатини юритади;

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар беради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг ваколат доирасига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишдаги иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, махсус ваколатли давлат органларига йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритишга;

йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича тадбирларда иштирок этишга;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қарорлар ишлаб чиқилишида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этишга ҳақли.

**12-модда. Транспорт воситалари эгаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мажбуриятлари**

Транспорт воситаларининг эгалари:

техник жиҳатдан соз транспорт воситаларидан фойдаланиши;

транспорт воситаларини тегишли малакага эга бўлган ва тиббий кўрикдан ўтган шахслар бошқаришига ижозат бериши;

ўз фуқаролик жавобгарлигини қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиши;

йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва экологик хавфсизлик талабларига риоя этиши шарт.

**13-модда. Йўлларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилишга, таъмирлаш ва сақлашга доир талаблар**

Йўлларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Қурилган ва реконструкция қилинган йўлларнинг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли органлар томонидан аниқланади.

Лойиҳалаш босқичида йўлларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги учун жавобгарлик лойиҳани бажарувчининг, қуриш ва реконструкция қилиш босқичларида эса ишларни бажарувчининг зиммасига юклатилади.

Йўлларни таъмирлаш ва сақлашда уларнинг ҳолати йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича мажбурият йўллар қайси юридик ва жисмоний шахслар тасарруфида бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар зиммасига юклатилади.

Тасарруфида йўллар бўлган юридик ва жисмоний шахслар ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида йўл шароитлари туфайли йўл ҳаракати қатнашчиларига ва транспорт воситасига етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазкур шахслар томонидан қопланиши керак.

**14-модда. Йўлларда сервис объектларини қуриш**

Тасарруфида йўллар бўлган юридик ва жисмоний шахслар назарда тутилган сервис объектларини лойиҳалаш нормаларига, қурилиш режаларига ва ушбу объектларни жойлаштиришнинг бош схемаларига мувофиқ бу йўлларда мазкур объектларни қуриш чора-тадбирларини кўради, йўл ҳаракати қатнашчиларининг эҳтиёжларини қаноатлантириш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида сервис объектларининг ишини ташкил этади, йўл ҳаракати қатнашчиларига бундай объектларнинг мавжудлиги ҳамда энг яқин соғлиқни сақлаш ва алоқа муассасаларининг жойлашуви ҳақида, шунингдек йўлларнинг тегишли участкаларидаги хавфсиз ҳаракатланиш шароитлари тўғрисида ахборот беради.

**15-модда. Йўлларда ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш**

Йўлларда ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлашга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

**16-модда. Транспорт воситаларига, улар конструкцияларининг таркибий қисмларига, эҳтиёт қисмларга ва анжомларга доир талаблар**

Транспорт воситалари, улар конструкцияларининг таркибий қисмлари, эҳтиёт қисмлар ва анжомлар йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда албатта сертификатлаштирилиши керак.

**17-модда. Транспорт воситаларининг техник ҳолатига ва ускуналарига доир талаблар**

Йўл ҳаракатида фойдаланиладиган транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишда бўлган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши керак.

Транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**18-модда. Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашга оид талаблар**

Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича ишларни бажараётган ҳамда хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар бу ишларни (хизматларни) йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширади.

**19-модда. Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш**

Йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи техник носозликлар мавжуд бўлганда транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

Транспорт воситаларининг техник носозликлари рўйхати ва бундай носозликлар мавжуд бўлганда улардан фойдаланишни тақиқлайдиган шартлар Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланади.

Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг бунга ваколатли мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**20-модда. Фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларга қўйиладиган асосий талаблар**

Фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахслар:

ҳайдовчиларнинг ишини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи талабларга мувофиқ ташкил этади;

ҳайдовчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат қилиш ва дам олиш тартибига риоя этади;

ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш учун зарур шароитлар яратади;

йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи техник носозликлар мавжуд бўлганда транспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўймайди;

ўзига тегишли транспорт воситалари иштирокида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг ва йўл ҳаракати қоидалари бузилишларининг сабабларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни кўради;

соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларини жалб этган ҳолда ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикларини, ҳайдовчиларнинг йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича кўникмаларини такомиллаштиришга доир тадбирларни ташкил этади ва ўтказади;

фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайди;

транспорт воситаларининг бут сақланишини таъминлайди.

Автомобиль транспортида ёки ер усти шаҳар электр транспортида йўловчилар, багаж ва юк ташиш фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, ташишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳайдовчиларга нисбатан қўшимча талаблар қўйиши мумкин.

Юридик шахслар транспорт воситаларининг сонига боғлиқ ҳолда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича хизматларни ташкил этади ёки лавозимлар жорий этади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг сонини аниқлаш нормативлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Юридик шахслар томонидан ўтказиладиган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир тадбирларни молиялаштириш иш берувчининг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

**21-модда. Фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг ходимларини ўқитиш, мазкур ходимлар малакасини ошириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва уларнинг билимларини текшириш**

Фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг ходимларини йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича ўқитиш, мазкур ходимлар малакасини ошириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва уларнинг билимларини текшириш иш берувчи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Иш берувчи ҳайдовчиларга йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича: ишга қабул қилишда (дастлабки), рейс олдидан (рейс олди), махсус, мавсумий ва қўшимча (навбатдан ташқари) йўл-йўриқлар кўрсатилишини таъминлаши шарт.

Фаолияти транспорт воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган юридик шахсларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланган махсус дастурлар бўйича вақти-вақти билан, уч йилда камида бир марта ўз малакасини ошириб, малака имтиҳони топшириши керак.

**22-модда. Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчиларнинг ҳуқуқлари**

Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчидан ҳаракат йўналиши, ташиладиган юк, ўз ҳаёти ва соғлиғига нисбатан мавжуд бўлган таҳдид тўғрисида, шунингдек ташишни амалга ошириш чоғида зарарли ва (ёки) хавфли омиллар таъсиридан ўзининг ҳимоя қилинишига доир чора-тадбирлар ҳақида ишончли ахборот олиш;

белгиланган талабларга мувофиқ шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийим-бош билан таъминланиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича шароитларни яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

ўз ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган вазият юзага келганда бевосита раҳбарни ёки иш берувчининг бошқа вакилини бу ҳақда хабардор қилган ҳолда ташишни бажаришни рад этиш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида малакасини ошириш ва касбий қайта тайёргарликдан ўтиш;

меҳнат вазифаларини бажариши чоғида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши;

иш берувчининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуққа хилоф қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**23-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш ҳайдовчиларни мажбурий равишда дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан, шу жумладан рейс олдидан тиббий кўриклардан ўтказиш, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, йўл ҳаракати қатнашчиларига, ички ишлар органларининг, бошқа ихтисослаштирилган бўлинмаларнинг мансабдор шахсларига ва аҳолига йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатиш усулларини вақти-вақти билан ўргатиш орқали амалга оширилади.

Йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойнинг ўзида тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар ёрдам кўрсатишдан, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойнинг ўзида, даволаш-профилактика муассасасига олиб борилаётганда ва даволаш-профилактика муассасасида малакали тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Тиббий кўрикларни ўтказиш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш тартиби, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг салонида туриши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар рўйхати, шунингдек транспорт воситаларини бошқаришни тақиқловчи, тиббий кўрсатмаларга зид ҳолатларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

**24-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш**

Йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш қўлланилиши йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари ва схемаларида назарда тутилган тартибга солишнинг техник воситаларидан ҳамда уларнинг конструкцияларидан комплекс фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидаги йўл ҳаракатининг ягона тартиби Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиши белгиланади.

Йўл ҳаракатининг ташкил этилишини йўлларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш ёки бошқа мақсадлар учун йўл ҳаракати хавфсизлиги даражасини пасайтириш ҳисобига ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

**25-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолатининг асосий кўрсаткичларини шакллантириш, ҳисобини юритиш ва улардан фойдаланиш**

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолатининг асосий кўрсаткичларини шакллантириш, ҳисобини юритиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**26-модда. Йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўлларда ҳаракатланишнинг хавфсиз шароитларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланади.

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши йўл ҳаракати бошқа қатнашчиларининг ҳуқуқларини чекламаслиги ёки бузмаслиги керак.

Йўл ҳаракати қатнашчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ йўлларда эркин ва монеликсиз ҳаракатланиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз ҳуқуқларининг чекланиши ёки бузилиши сабаблари тўғрисида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг мансабдор шахсларидан тушунтиришлар олиш;

ҳаракатланишнинг хавфсиз шароитлари тўғрисида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ маҳсулотлар ва хизматларнинг сифати ҳақида тўлиқ ҳамда ишончли ахборот олиш;

йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, қутқарув ишлари олиб бориш ва бошқа шошилинч ёрдам кўрсатиш мажбурияти юклатилган ташкилотлар ва мансабдор шахслардан шундай ёрдамлар олиш;

йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида улар тан жароҳати олган, транспорт воситаси ва юк шикастланган ҳолларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарарнинг ўрни қопланиши, шунингдек маънавий зиён учун компенсация олиш;

махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунга хилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йўл белгиларини, чизиқларини, светофорларни ўзгартириш ва ўрнатиш юзасидан, йўл қопламасининг ҳолати ҳақидаги таклифлар ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига доир бошқа таклифлар билан тегишли органларга мурожаат этиш.

Йўл ҳаракати қатнашчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ушбу Қонун, Йўл ҳаракати қоидалари талабларига ва йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариш.

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**27-модда. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи**

Қуйидагиларни:

мотоцикллар, мотороллерларни ва бошқа мототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи — ўн олти ёшга тўлган шахсларга берилади;

рухсат этилган энг кўп оғирлиги 3500 килограммдан ҳамда ўриндиқлар сони ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари саккизтадан ошмайдиган автомобилларни бошқариш ҳуқуқи, такси бундан мустасно — ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга берилади;

рухсат этилган энг кўп оғирлиги 3500 килограммдан ошадиган юк автомобилларини бошқариш ҳуқуқи — ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга берилади;

такси тариқасида фойдаланиладиган автомобилларни, шунингдек йўловчилар ташиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари саккизтадан ортиқ ўриндиғи бўлган автомобилларни, трамвайлар ва троллейбусларни бошқариш ҳуқуқи — йигирма бир ёшга тўлган шахсларга берилади;

транспорт воситалари составларини бошқариш ҳуқуқи — ушбу қисмнинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга транспорт воситаларини бошқариш стажи ўн икки ойдан кам бўлмаган тақдирда берилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи тиббий текширувдан ўтган ва малака имтиҳонларини топширган шахсларга бериладиган, белгиланган намунадаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Малака имтиҳонларини топшириш ва транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган талабларга мос келадиган миллий ва халқаро ҳайдовчилик гувоҳномалари амал қилади.

**28-модда. Ҳайдовчиларни тайёрлашга доир талаблар**

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун малака имтиҳонларини топширишга тегишли тоифадаги ҳайдовчилар тайёрлашнинг ўқув режалари ва дастурларида назарда тутилган ҳажмда тегишли тайёргарликдан ўтган шахслар қўйилади.

Тегишли тоифалардаги ҳайдовчиларни тайёрлашнинг ягона дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

**29-модда. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқининг бекор қилиниши**

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

ҳайдовчининг соғлиғи транспорт воситасини хавфсиз бошқаришга монелик қиладиган тарзда ёмонлашганлиги тиббий хулоса билан тасдиқланганда;

ҳайдовчи содир этилган ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганда. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан жавобгарлик чораси сифатида маҳрум этишга сабаб бўладиган ҳуқуқбузарликларнинг турлари қонун ҳужжатларида белгиланади. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш суд томонидан қўлланилади.

**30-модда. Низоларни ҳал этиш**

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**31-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

# ЖАҲОН ТИББИЁТИ ЮТУҚЛАРИ

пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида иш бошлаган **«Соғлиқни сақлаш — TIHE»** 18-халқаро кўргазмасида намойиш этилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Бугун "Видатокс" номли энг янги препаратимизни ҳам тавсия этмоқдамиз. Ушбу дори саратон хасталиклари асоратларини бартараф этишда яхши самара бераётганлиги боис жуда қисқа фурсатда ўз харидорларини топиб улгурди.

Буюк Британиянинг "BTL" компанияси, мана, уч йилдирки, юртимизда ўз ваколатхонасига эга. Шу боис Тошкентда ўтказиладиган тиббиёт кўргазмаларида мазкур ёрлиқдаги янгидан-янги маҳсулотлар мунтазам намойиш этилади.

— Бугун компаниямиз ўз мижозларига кардиология, физиотерапия ва эстетик тиббиёт йўналишларидаги шифо масканларида қўлланадиган тиббий асбоб-ускуналарни тавсия этмоқда, — дейди "BTL"нинг мамлакатимиздаги ҳудудий вакили Чингиз Жунусов. — Бундай кўргазмаларда доимий иштирок этишдан мақсадимиз, инновацион технологияларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганиш, янги ҳамкорлар орттиришдир. Бугунги тадбирда лазертерапия ҳамда кардиоташхис ускуналарига, айниқса, катта қизиқиш билдирилмоқда. Сервис асосида етказиб бериш шарти билан кўплаб буюртмалар олдик.

Эътиборлиси, бу галги соғлиқни сақлаш ҳафталиги доирасида онкология ҳамда стоматология соҳаларидаги долзарб масалаларга бағишланган халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Банк тизими:**

# УЛКАН САЛОҲИЯТ ВА БАРҚАРОРЛИК

миллий кўргазма давомида ҳам яққол намоён бўлди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, жорий йилги кўргазмада "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, кичик бизнес субъектлари, оилавий бизнес вакиллари, тадбиркор ёшлар ва хотин-қизлар лойиҳаларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган хизматларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда унда қатнашаётган тижорат банклари, лизинг ташкилотлари, суғурта компаниялари вакиллари ўз хизматларини намойиш этиш баробарида, ушбу соҳалардаги энг сўнгги янгиликлар билан иштирокчиларни яқиндан таништирмоқда.

— 2013 йилнинг ўтган даврида кичик бизнес субъектларига 95,4 миллиард сўм миқдорида кредит ажратган бўлсак, шундан 50,2 миллиард сўмлиги уларга имтиёзли шартлар асосида тақдим этилди, — дейди "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки Микромолиявий хизматлар кўрсатиш департаментининг бошқарма бошлиғи Улуғмурод Холбеков. — Кўргазма давомида эса яна ўн нафар ишбилармонга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни топширамиз.

Яна бир диққатга сазовор жиҳат шуки, бу йилги кўргазма доирасида давра суҳбатлари, семинар ва тақдимотлар, маҳорат сабоқларини ташкил этиш билан бирга, энг чекка ҳудудларда фаолият юритаётган ишбилармонларнинг лойиҳалари бўйича ўтказилган танловлар ғолибларига махсус сертификатлар берилмоқда. Масалан, танлов ғолиби, сурхондарёлик оилавий бизнес вакили Жолғаш Жовлиев "Алоқабанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг 7,9 миллион сўмлик имтиёзли кредитини қўлга киритди. У ушбу маблағ эвазига ўз иссиқхонасини кенгайтириб, аҳолига сархил маҳсулотлар етказиб бериш ва қўшимча иш ўринлари яратиш ниятида.



Ўзига хос ғоя ва ташаббуслар майдонига айланган "BankExpo — 2013" олтинчи миллий кўргазмаси ана шундай ишчан руҳда давом этмоқда.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** кўргазма фаолиятидан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# «Lernen Mit Zukunft» журнали Мирзо Улуғбек мероси ҳақида

*Яқинда Австриянинг ўрта таълим, ёш авлодни тарбиялаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш масалаларига ихтисослаштирилган "Lernen Mit Zukunft" ("Келажак учун таълим") журнали дунё илм-фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк олим Мирзо Улуғбек қолдирган бой меросга бағишланган мақолани чоп этди.*

## ДУНЁ НИГОҲИ

Мақола муаллифи Александр Ристич Мирзо Улуғбекни атоқли фалакиётшунос ва математик, етук давлат арбоби сифатида таърифлар экан, 1428-1429 йилларда аллома ташаббуси билан бунёд этилган Улуғбек расадхонаси Самарқандга ҳар йили ташриф буюрадиган миллионлаб сайёҳлар диққатини ўзига тортувчи ва хорижий олимлар учун ўзига хос муқаддас маскан эканлигини алоҳида айтиб ўтди.

Мирзо Улуғбекнинг бугунги кунда жаҳон фалакиётшунослигида муҳим манба сифатида эътироф этилган "Зижи Кўрагоний" ("Улуғбекнинг юлдузлар жадвали") асарида мингдан ортиқ юлдузнинг самодаги аниқ жойлашувини аниқлай олгани австриялик журналист томонидан юқори баҳоланган.

Шунингдек, муаллиф улуғ олимнинг астрономик йил узунлигини аслидан жуда кичик фарқлар билан ўлчагани ҳақида маълумотларни инсониятга тақдим этгани, Ғарб олимлари эса бир неча юз йиллар ўтгач, бу ўлчамни замонавий технологиялар ёрдамидагина аниқлай олишга муваффақ бўлишганини алоҳида таъкидлайди.

Бундан ташқари, мақолада баландлиги 30 метр, узунлиги 40 метрдан зиёд иншоот, ўз даврининг ноёб ва қадимий чизмаларини мужассамлаштирган илм маскани — Улуғбек расадхонаси ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилади. Айниқса, расадхонанинг марказий қисмидаги ой, қуёш ва бошқа самовий жисмларни кузатишга мўлжалланган асбоб-ускуналар ҳали-ҳамон дунё мутахассислари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилиши журналхонларга маълум қилинган. "Нафақат олимлар, балки Ер юзининг турли нуқталаридан келган кўп сонли сайёҳлар ҳам табиатнинг кўплаб сир-синоатларини ўзида жо қилган беқиёс илм ва салоҳият намунаси бўлмиш ушбу расадхонани кўриш имкониятига эгадирлар", дея таъкидлайди муаллиф.

А. Ристич ўз фикрини якунлар экан, бугун Ўзбекистонда етук олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг бебаҳо мероси асраб-авайланаётганини, уни келажак авлодларга етказиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилаётганини юксак баҳолайди.

**«Жаҳон» АА.**
Вена


**Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ БОШ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:**

- эни 100 см. бўлган «Сатин» ва «Вафельная» матолари;
- диаметри 17 мм. ва 20-22 мм. бўлган пластмасса тугмалар;
- № 30-40 тикув иплари (синтетик — полистер, 1 бабина — 5000 метр);
- 10-12 мм.ли ипгазлама эластик ленталар (ичкийим резинкаси).

**Манзил: Тошкент ш., Фарғона йўли к., 25-уй. Тел.: (8-371) 291-69-91, 291-35-61.**

570R/331


# ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлашнинг пировард мақсадидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, фундаментал қонунлар, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Жиноят, Жиноят-процессуал, Хўжалик процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва бошқа кодекслар қабул қилинди. 2000 йил 14 декабрда "Судлар тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда кучга кирди. Бу эса суд-ҳуқуқ ислоҳотларида туб бурилиш ясади. 2001 йилда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам тизим ислоҳотлари юксак инсонпарварлик тамойилига асосланганини кўрсатиб турибди. Зеро, унга кўра, жиноятлар таснифи ўзгартирилди, яъни оғир ва ўта оғир жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Етказилган моддий зарар ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслиги ҳақидаги қоидалар ҳам Жиноят кодексининг 11 моддасига киритилдики, бу бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Масалан, озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган шахслар сони 2012 йилда 2000 йилдагига нисбатан икки баравардан кўпроқ қисқарди.

Анжуман қатнашчилари, хусусан, АҚШлик экспертлар ушбу ютуқларни эътироф этиш баробарида, Ўзбекистонда жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилиги жиддий ислоҳ қилиниб, суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари таъсиридан чиқарилгани, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилганлигини юқори баҳолашди. Негаки, ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугунги кунда фуқаролар биринчи инстанция суди қароридан норози бўлган тақдирда, ҳуқуқ ва манфаатларини апелляция инстанциясида, адвокати иштирокида ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди. Жорий этилган мазкур янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш ва суд фаолиятида сансалорликка йўл қўйилмаслигининг кафолатига айланди. Буни рақамлар ҳам тасдиқлайди. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2012 йилда бундай ҳолатларнинг қарийб 90 фоизи апелляция ва кассация тартибида бартараф этилди.

Халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик каби қадриятларни ўзида қамраб олган ярашув институтининг амалиётга жорий этилиши жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ушбу институт замирида айбдорни муқаррар жазога тортиш эмас, балки унга қилмишидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда яна тўғри йўлни топиб олиши учун имкон бериш тамойили мужассам. Зеро, ярашилганлиги муносабати билан, аввало, жабрланувчига етказилган зарар тез ва тўлиқ қопланиши таъминланади ҳамда жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани учун судланмаган ҳисобланади. Бу институт амалга жорий этилгандан буён 134 минг нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани ана шунинг далолатидир.

Тизим ислоҳотларини муваффақиятли амалга ошириш, шу жумладан, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда уларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш муҳим ўрин тутиши тадбир иштирокчилари томонидан ҳам таъкидланди. Шу боис мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий хўжалик судида тайёргарлик ва стажировка ўташи, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш каби вазифалар белгилаб берилган бўлиб, ҳозирги пайтда бу йўналишда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

**Жон ТАНХАЙМ,**
**Америка Қўшма Штатларининг Миннесота штати федераль округи судьяси:**

*— Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, хусусан, судлар мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилганидан хабарим бор. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа ислоҳотларини кучайтиришда муҳим роль ўйнаяпти, десам хато бўлмайди. Зеро, унда судларнинг ижтимоий муҳофазасини янада оширишни таъминлаш, мустақил суд иш юритуви учун ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатни кучайтириш ҳамда суд органлари ходимлари ижтимоий мавқеини ҳимоя қилиш каби масалалар қамраб олинган. Бунинг барчаси суд ҳокимияти мустақиллигини тўла таъминлашга хизмат қилади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, тизим ислоҳотлари ана шундай давом этар экан, бу мақсадга эришиш осонлашиб боради.*

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳияти ҳам тадбир қатнашчилари томонидан чуқур таҳлил қилинди. Зеро, мазкур ҳужжат айнан суд кадрларини танлаш тизимини такомиллаштириш ва шу орқали судлар мустақиллигини янада кучайтириш вазифаларини қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Хусусан, унда судья лавозимларига кадрлар захирасини шакллантириш тизимини тубдан янгилаш зарурлиги ҳар жиҳатдан асослаб берилган. Айни чоғда судьяликка номзодлар яхши тайёргарлик кўрган, малакали, катта ҳаётий тажрибага, обрў-эътиборга, ихтисослиги бўйича зарур иш стажига эга юристлар орасидан танланиши назарда тутилгани ҳам айни муддаодир.

**Френк Ла БУДА,**
**АҚШнинг Нью-Йорк штати фахрий судьяси:**

*— Президент Ислом Каримовнинг мазкур Фармонида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари ҳамда хўжалик суди судьяси лавозимига 30 ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумот, юридик ихтисос бўйича камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқаролар тайинланиши белгилаб қўйилгани диққатга сазовордир. Дунё тажрибасида ҳам маълумки, ана шундай имконият ва салоҳиятга эга судьялар суд ишини муваффақиятли тарзда амалга оширади. Қолаверса, захирани шакллантириш ишларига Олий малака комиссиясининг раҳбарлик қилиши ижобий ҳолатдир. Бундан ташқари, мазкур ҳужжат асосида судьялар хизмат поғонаси бўйича ўсишини таъминлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, яъни лавозимга қайта тайинлаш, ваколати тугаганидан сўнг ишга жойлаштириш даврида ижтимоий муҳофаза қилиш механизмларини кучайтириш юзасидан муайян чора-тадбирлар кўрилаётгани ҳам менда илиқ таассурот қолдирди. Шуларни ўрганиш, ҳатто ривожланган давлатлар учун ҳам фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.*

Анжуман иштирокчилари томонидан Концепция асосида ишлаб чиқилиб, 2012 йил 19 сентябрда кучга кирган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун соҳа ислоҳотларини янги босқичга кўтариш, судлар мустақиллигини таъминлашда дастуриламал бўлаётгани ҳам эътироф этилди. Зотан, ушбу ҳужжат билан "Прокуратура тўғрисида"-ги ва "Судлар тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларига бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, судга қадар иш юритиш босқичида прокурор ва терговчи томонидан қўллаб келинган айбланувчини лавозимидан четлатиш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судья санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилди.

**Исматулла МАМАНОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяси:**

*— Қонунда судлар мустақиллигини кафолатлашга хизмат қиладиган бир қатор меъёрлар белгиланган. Прокурор, терговчи процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва уни прокурор судга юборади. Муҳими, илтимоснома жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан якка тартибда, ёпиқ суд мажлисида материал келиб тушган пайтдан эътиборан 48 соат ичида кўриб чиқилади. Айбланувчининг тиббий муассасада бўлиш муддатини узайтириш ҳам суд ихтиёрига берилди. Бу эса суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш учун замин яратади.*

Семинар доирасида хорижлик мутахассислар судлар мустақиллигини таъминлаш борасида АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар, хусусан, соҳа қонунчилиги, суд ҳокимияти эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш механизмлари, шунингдек, бугунги суд амалиёти масалалари ҳақида атрофлича маълумот беришди. Айни чоғда улар, ўз тажрибасидан келиб чиқиб, юртимизда ушбу йўналишда олиб борилаётган изланишлар ва қўлга киритилган ютуқларни юқори баҳоладилар.

**Зафар НАЗАРОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди судьяси:**

*— Ижодий тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир доирасида юртимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, соҳанинг қонунчилик базаси ва бу борадаги халқаро тажриба билан батафсил танишиш имконига эга бўлдик. Айни чоғда судлар ва судьялар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилди. Албатта, бу ерда ўрганганимиз иш фаолиятимизни янада кучайтиришимизда қўл келади.*

Шунингдек, тадбирда бир қатор давлатларнинг бу борадаги тажрибаси таҳлилий ўрганилди. Тизим қонунчилигини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтириш билан боғлиқ долзарб вазифалар бўйича ҳам фикр алмашилди.

Тадбир якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**Машкура ЗОҲИДОВА.**

## Қашқадарё томонларда

***Шаҳрисабз туманидаги "Жабборов Озод Жўраевич" хусусий корхонасида махсар ўсимлигидан истеъмол учун экологик тоза ёғ ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.***

### Махсардан парҳезбоп маҳсулот

Мутахассисларнинг таъкидлашича, махсар ёғи парҳезбоп маҳсулотлар сирасига киради. Шу боис вилоятда ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, иқлим ва тупроқ шароитига мос ёғли ўсимликлар етиштириш, қайта ишлаш лойиҳалари рўёбга чиқарилаяпти.

Таъкидлаш керакки, вилоятда 2012 йил давомида мазкур соҳага йўналтирилган 18,2 миллиард сўм инвестиция эвазига 50 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонада техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилди.

### Талабанинг коллекцияси

***Қарши давлат университети талабаси Муҳайё Сайдуллаева қуроқчилик анъаналари асосида ўз коллекциясини яратди.***

— Қуроқдан қизларимизнинг келинлик сепларига ёстиқ, бешик ёпинчиқларини тикдим, — дейди ёш дизайнер. — Мазкур коллекция асосини чит матоси ташкил этади. Бундай буюмлар шарқона бежиримлилиги билан алоҳида таассурот қолдиради.

Таъкидлаш керакки, Муҳайёнинг "Сарвиравон", "Гули анор", "Шарқона муҳаббат" дея номланган либослар коллекциялари "Келажак овози" танловларида ҳам муносиб эътироф этилган.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

**«ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ» УШКга қарашли**

Shurtan Navoi Plast-PE

**«POLIETILEN QUVURLAR»**
**ШЎЪБА КОРХОНАСИ**







**ҳозирги кунда Австрия, Германия, Хитой давлатларининг «Battenfeld-Cincinnati», «ZHANGJIANG BAIXIONG KLIMENS MASHINERY CO.LTD» каби етакчи компанияларидан келтирилган ускуналарда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли, диаметри 20, 25, 32, 40, 50, 63, 75, 90, 110, 125, 140, 160, 180, 200, 225, 250 мм. бўлган тўрт хил — «SDR 41», «SDR 26», «SDR 17.6», «SDR 11» турдаги полиэтилен қувурларни истеъмолчиларга етказиб бермоқда.**

*Шунингдек, корхона Италия давлатининг «Ritmo» фирмасидан келтирилган ускуналарда барча турдаги полиэтилен қувурларга бутловчи қисмлар (фитинглар) ишлаб чиқармоқда.*

*Маҳсулотлар «ISO 9001-2008» халқаро стандартларига мувофиқ, сифат менежменти тизими асосида тайёрланади.*

*Маҳсулот сифати мувофиқлик, гигиена, экологик сертификатлари билан тасдиқланган.*

***«POLIETILEN QUVURLAR» ШК мижозларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка таклиф этади.***




210609, O`zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Karmana tumani, Malikrabot qo`rg`oni.
«Navoiy» erkin industrial-iqtisodiy zonasi.
Tel.: (8-436) 220-00-35, 220-00-34. Faks: 220-00-36. E-mail: pe_plast@mail.ru web-sayt: pe_plast.uz

223R/


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси кадрлар бўлими бошлиғи Барно Воҳидовага волидаи муҳтарамаси

**Муаттар ая САИДОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Тезкор нашр маркази оператори Дилшод Ражабовга волидаи муҳтарамаси

**Илфат ИСАКОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт ● Sport ● Спорт

*Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида IV жаҳон чемпионати давом этмоқда.*

# Кучлилар сараланмоқда

Мусобақанинг иккинчи кунида 44 ва 48 килограммгача бўлган қизлар баҳси жуда қизиқарли кечди. Хусусан, хитойлик ўн уч ёшли спортчи Линглонг Ю (48 кг.) юксак маҳорат соҳиби эканини намойиш этиб, барчанинг олқишига сазовор бўлди. Гап шундаки, у ўзидан иккиуч ёш катта рақибларини ортда қолдириб, учта олтин медаль соҳибасига айланди. Юдан тажрибалироқ бўлган ҳамюрти Лилинг Кю эса иккинчи поғонадан жой олди. Бу вазн тоифасида таиландлик Туния Сукчареон иккита бронза, мьянмалик Пвинт Май Зин битта бронза медалга эгалик қилди.

Вазни 44 килограммгача бўлган оғир атлетикачи қизлар ўртасидаги чиқишларда Корея Халқ Демократик Республикаси вакили Су Ён Ри бир йўла учта олтин медални қўлга киритди. Мьянмалик Хинг Хинг учта кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, мисрлик Ҳеба Солиҳ Муҳаммадга иккита, руминиялик Моника Сунета Ценжерига битта бронза медаль насиб этди.

Шу куни 56 килограммгача бўлган оғир атлетикачилар беллашувида таиландлик Теерасак Срипат, венесуэлалик Хулио Рубин Майора Перниа ва руминиялик Даниель Флорин Визитиу кучли учликдан жой олди.

Кеча 62 кг. вазн тоифасидаги ўсмирлар совринли ўринлар учун курашга киришишди. Унда умидли спортчимиз Ғолибжон Ниғматуллаев иштирок этди.

# Каратэчиларимиз совриндорлар сафида

*Истанбул шаҳрида шотокан каратэ-донинг Жаҳон шотокан каратэ-до уюшмаси (WSKU) йўналиши бўйича ўсмирлар, ёшлар, катталар ва фахрийлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди.*

Нуфузли мусобақада ҳамюртларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этиб, 3 олтин, 1 кумуш ва 9 бронза медални қўлга киритишди.

Жумладан, ўсмирлар ўртасида Нишон Ҳайдаров ўз вазн тоифасида чемпионликка эришди. Юсуф Бадалов, Оматилла Орипов ва Бектош Абдулҳамидов совриндорлар сафидан жой олди. Ҳамюртимиз Азизабону Латипова олтин ва кумуш медаллар соҳибасига айланди. Шодия Эргашева ҳамда Ҳилола Бадалова жаҳон чемпионатини кучли учликда якунлади.

Ёшлар ўртасидаги баҳсларда Нодира Жуманиёзова бир йўла учта бронза медаль балан тақдирланди.

Азаматали Қаландаров фахрийлар ўртасида олтин, Баҳодир Бобоев эса бронза медаль соҳиби бўлди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

## Фан ва техника янгиликлари

### Тезкор текширув

**Тиббиётда беморларнинг иммун статус кўрсаткичлари қон зардобини текшириш орқали аниқланиши маълум.**

Яқинда Самарқанд давлат тиббиёт институти шифокор-олимлари бундай ташхиснинг инновацион усулини кашф этишди.

Гап шундаки, улар томонидан ишлаб чиқилган янги электрокимёвий биосенсорлар қон зардобида каталаза ва пероксидазани аниқлашда катта самара беради. Жумладан, мазкур биосенсорлар орқали жуда кичик миқдордаги (0,02 мл.) биологик суюқликлар (қон зардоби, сўлак) ферментлари тез, юқори селективлик ва сезгирликда таҳлил қилинади. Бу эса вақт ва сарф-харажатларни тежаш имконини беради.

Ушбу биосенсорлар клиник лабораториялар, диагностика марказлари ҳамда поликлиникаларда қўлланилиши кўзда тутилган.

### Табиий ва сарҳил сақланади

**Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти олимлари томонидан табиий биологик фаол маҳсулотлар тайёрлашнинг янги технологияси ишлаб чиқилди.**

Унга мувофиқ, юқори унумли гелиоқуритувчи ускунадан фойдаланилади. Технологик жараёнларнинг асосий қисми қуёш энергияси ёрдамида амалга оширилиб, қайта тикланувчи қувватлар воситасида мева, сабзавот, полиз экинлари ва саноат чиқиндиларига комплекс қайта ишлов берилади. Пировардида олинган табиий биологик фаол маҳсулотлар узоқ вақт сифати ўзгармасдан сақланади ҳамда энергия тежамкорлигига эришилади.

Янги технология озиқ-овқат ҳамда фармацевтика саноатида юқори самара бериши таъкидланмоқда.

**Илёс РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси бўлим бошлиғи ўринбосари.**

# «Ҳунар — бахтим, ғururим»

дейди “Ташаббус — 2013” республика кўрик-танлови ғолиби Маҳфуза Салимова

*...Маҳфуза опа болалигини жуда яхши эслайди. Онасига эргашиб, Бухородаги зардўзлик фабрикасига боргани кечагидек ёдида. Ўшанда у етти ёшда эди. Фабрика маъмурияти зардўзликка чунонам меҳр қўйган бу қизалоққа цехга кириб-чиқиш учун барча ишчилар қатори рухсатнома ёзиб берганди.*

ФАХР



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — дейди Маҳфуза Салимова. — Зардўзлар ишлайдиган дастгоҳга бўйим етмасди. Оёғим остига кўрпа тўшаб беришарди. Боларча иштиёқ билан зардўппилар тикардим. Ишчилар ҳаракатини синчиклаб кузатардим.

Ҳавас, иштиёқ, синчковлик Маҳфузага бир умр ҳамроҳ бўлди. Изланди, интилди. Зардўзлик санъатида ўз йўлини топди. Бошқалардан фарқли ўлароқ, қадимий зардўзлик миниатюраси услуби асосида ишлай бошлади. Бу услуб жуда мураккаб. Чунки у кишидан нозик дид, тасаввур, теран фикр ва ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Қолаверса, қадимий зардўзлик санъати ҳақида чуқур билимга ҳам эга бўлиш керак. Унинг мутахассислар эътиборига тушган бир қатор ишлари, жумладан, “Испан сайёҳи Гонсалес Амир Темур ҳузурида” асари ана шундай изланишлар маҳсулидир.

— Тасаввуримдаги манзарани рассомга сўзлаб бераман, — дейди қаҳрамонимиз. — Рассом уни қоғозга туширади. Тасвир маъқул бўлгач, ишга киришаман. Гиламда зардўзлик миниатюра санъати услуби асосида яхлит манзара ҳосил қилиш жуда мураккаб. Шогирдларим билан бир асар устида баъзан ойлаб ишлаймиз. Заргилам тасаввуримиздагидек чиққанида, барча чарчоқлар унутилади. Қушдек енгил тортамиз. Маҳсулотларимиз дунёнинг Италия, Швейцария, АҚШ каби қатор давлатларидаги музей ва шахсий коллекциялардан ўрин олганини ўйласам, ғурурланиб кетаман. Бир оддий ҳунарманд сифатида кўплаб халқаро кўргазмаларда қатнашганимдан фахрланаман. Буларнинг барчаси учун Президентимизга раҳмат.

Маҳфуза опа учун, хусусан, кейинги йиллар муваффақиятли кечди. У Бухоронинг V — XIII асрларга оид зардўзлик санъатини чуқур ўрганиб, унутилган турларини қайта тиклади. Зардўзликдаги миниатюра услуби анъаналарини аслиятга яқинлаштирди. Юздан зиёд шогирд тайёрлади. Ҳозир моҳир ҳунарманд томонидан Бухоро, Ғиждувон, Вобкент туманларида ташкил этилган цехларда кўплаб хотин-қизлар ҳунар ўрганиб, воҳа зардўзлик санъатининг энг яхши анъаналарини давом эттиришмоқда. Қизи Юлдуз эса аллақачон моҳир зардўз бўлиб етишган.

Дарвоқе, яқинда пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган “Ташаббус — 2013” кўрик-танловида Маҳфузахон “Энг яхши ҳунарманд” деб топилди ва Президент совғаси — “Spark” автомобили билан тақдирланди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Олис овуллар аҳлига қулайлик

*Қонликўл туманидаги Олтинкўл ва Шериуши қишлоқларига 11,4 километрлик қувур тортилиб, ҳудудда яшовчи 2 минг 200 нафарга яқин аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди.*

ХИЗМАТ

Бунинг учун 1 миллиард 42 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида 7 миллиард 720 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилиши натижасида 68,5 километрлик янги сув тармоғи фойдаланишга топширилган эди. Пировардида олис қишлоқларда истиқомат қилувчи 45 минг нафардан зиёд аҳоли замонавий қулайликдан баҳраманд бўлди.

— Обод турмуш йилида ҳам бу мақсадлар учун 6 миллиард 437 миллион сўм ажратилиб, 53,5 километр масофага сув тармоғи тортилиши режалаштирилган, — дейди “Қорақалпоқ қишлоқ хўжалик сув тармоқлари” тресті мутасаддиси Ўрозбой Ешмуратов. — Айни пайтда бу борадаги бунёдкорлик ишлари қизғин олиб борилаяпти.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Сержило ва рангин гиламлар

*Асака туманида ўтган йил якунига кўра, 309 та кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, умумий сони 3447 тага етди.*

Яқинда улар сафига “Олтин водий гиламлари” корхонаси ҳам қўшилди. Бу ерда йилига 20 минг квадрат метр гилам тўқиш имконияти яратилди. 380 миллион сўмга харид қилинган илғор технологиялар импорт ўрнини босувчи рангин, сержило гиламлар ишлаб чиқаришда қўл келаётир. Қисқа фурсатда мазкур жамоа ички бозорга дастлабки 60 миллион сўмликка яқин маҳсулотни етказиб берди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«CHAG‘ATAY INVEST» МЧЖ
қуёш батареялари
- Универсал иситиш тизими
- Газ генератори
- Шамол генератори
- Микро ГЭС
- Электрогенератор (табиат факторларисиз)



Тел.: (8-371) 250-47-59,
(+99895) 170-06-39,
(+99890) 950-10-74, (+99890) 951-94-15.
Сайт: WWW.CHAGATAY.UZ МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
311R/108


● Реклама ва эълонлар ●


ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК**

**«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ**

**АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:
- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунлари ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ҳамда бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (8-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-19-40 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (8-595) 199-19-32, 199-19-31 |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй | (8-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-19-34 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (8-595) 199-19-36 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (8-595) 199-19-37 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к. | (8-595) 177-02-68 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (8-595) 177-06-64 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй | (8-373) 552-20-11, 552-22-01 (соат 8.00 — 17.00) (8-373) 552-34-17, 552-21-66 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (8-373) 529-24-55, (соат 8.00 — 17.00) (8-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (8-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | (8-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 300-03-41 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9 | (8-374) 222-23-81 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Дўстлик қўрғони | (8-367) 227-16-20, 225-49-75 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-17 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-04 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (8-367) 272-30-28 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-27 |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 46-уй | (8-372) 226-22-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-41 |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-46 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (8-366) 442-25-60, 442-68-05 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (8-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 600-12-02 |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (8-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 600-60-15 |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 601-11-53, 601-12-39 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-86 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-84 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-595) 601-43-67 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Жаслик кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслик аҳоли пункти, Тулей станцияси | (8-595) 601-05-28, 601-14-97 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (8-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Линия техник цехи,** Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй | (8-376) 227-37-62, (8-595) 501-11-07 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (8-375) 221-02-41(соат 8.00 — 17.00) (8-375) 221-17-25, (8-595) 505-05-12 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (8-375) 221-17-25, (8-595) 505-05-14 |
| **Иккинчи линия техник цехи** Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй | (8-375) 505-05-13, (8-595) 505-05-41 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (8-362) 226-36-58, 226-36-33 (8-595) 602-18-01, 602-22-13 |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Кармана к., 2-«Б» уй | (8-436) 224-74-21 (8-595) 603-07-38 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (8-595) 603-33-19 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (8-598) 278-74-22 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (8-595) 603-12-84 |

UZTELECOM

360R/150



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 115 687 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5